


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 29 январь, № 20 (4430) Сешанба



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№


# ҚЎШМА КОРХОНА – ҚИШЛОҚ КЎРКИ



***Шеробод туманининг Килкон қишлоғида иш бошлаган масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Агрохизмат-Шиндонг» Ўзбекистон-Корея қўшма корхонаси одамларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилмоқда. Низом жамғармаси 150 минг АҚШ долларидан иборат мазкур корхонада кунига 60 тонна чигит қайта ишланиб, пахта ёғи, шелуха, кунжара ишлаб чиқарилмоқда.***

Корхона ишчилари ўз мутахассисликлари бўйича ўқиб, малакаларини оширишгани, элакчи Бобомурод Турмонов, дошқозон ва ёғ оқлаш цехларининг операторлари Баҳодир Абдурасулов, Ўктам Абдураҳмонов сингари ёш ишчилар хорижлик шериклари билан бемалолроқ гаплашиш учун корейс тилини ўрганганлари ўз самарасини бераяпти.

— Чет элнинг «Natural cement-ROUP» компанияси билан ҳамкорликда тоғ этагидаги Бешбулоқ қишлоғида ҳам цемент заводи қурилишига тайёргарлик кўраяпмиз, — дейди туман ҳокимининг ўринбосари Азамат Хўжамқулов. — Бу ялпи ички маҳсулотда саноат улушини кўпайтириш билан бирга, кўплаб янги иш ўринларини яратиш, одамларнинг даромадини ошириш имконини беради.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТДА:** лаборант Дилором Чориева.
**Жамшид НОРҚОБИЛОВ олган сурат.**

## МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

***Фарғона вилоятидаги илк қўшма корхоналардан бири «Ўзсаламан» ўтган йили молиявий қийинчиликлар туфайли тўхтаб қолган эди. Янги йилдан қўшма корхона цехларида яна дастгоҳлар гуриллай бошлади.***

### Таъсисчилар сафи кенгайди

Қўшма корхона таъсисчилари сафига Англиянинг дунёга машҳур «Атлантида милитед финанс» компанияси ҳам қўшилди. Ҳамкорлар томонидан ажратилган маблағ ҳисобига қарзлар узилди, хом ашё, замонавий ускуналар олиб келинди. Айни пайтда қулай, бежирим, жаҳон андозалари даражасидаги пойабзаллар тикилмоқда.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Навбаҳор туманининг Қалқонота, Ўзбекистон, Армижон, Шодибек, Вометан сингари 15 та қўрғонида 19,5 километрлик тоза ичимлик суви қувурлари қайта таъмирдан чиқарилди.***

### Сувдек сероб бўлинг

Натижада, маҳаллий аҳолининг бир мушкули осон бўлди. «Нодир Соатқулов», «Зиёдулла Акмал» сингари фирмаларнинг қурувчилари қисқа муддатда 146 миллион сўмлик ишни муваффақиятли бажардилар.

Буюртмачи Навоий вилоят сувоқова ишлаб чиқариш бирлашмаси таъмир ишининг сифати ва самарасига алоҳида эътибор қаратди.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Нукусда иш бошлаган «Пахта Лизинг» ёпиқ ҳиссадорлик жамиятининг Қорақалпоғистон филиали қишлоқ мулкдорлари Лизинг услубида техника харид қилиши учун қулайлик яратмоқда.***

### Фермерларга лизинг хизмати

— Бу йил фермерларимизга 200 дан зиёд техникаларни лизинг усулида олиб келиб беришни режалаштирдик, — дейди филиал директори Азат Иннаминов. — Булар асосан Россия, Германия, Беларусь, Хитой, Туркия ва Украинада ишлаб чиқарилган энг сифатли далабоп техника ва эҳтиёт қисмлардир.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, нафақат фермерлар, балки чорвачилик билан шуғулланувчи фермер хўжаликларидан ҳам техника олиш учун буюртмалар келиб тушаётгани янги хизмат турига қизиқиш юқори эканлигидан дарак беради.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ.**

***Хоразм вилояти Маънавият ва маърифат марказида «Маънавиятли ёшлар — ватанимиз келажаги» мавзуида семинар-тренинг бўлиб ўтди.***

### «Маънавиятли ёшлар — ватанимиз келажаги»

Тадбирда Тошкент тиббиёт академияси ва Ахборот технологиялари университетининг Урганчдаги филиаллари, мазкур университет қошидаги 1-сон академик лицей талабалари иштирок этдилар.

Семинар иштирокчилари аждодларимиздан қолган бой маънавий мерос, ёшларнинг жамиятдаги ўрни, бурчи ва вазифалари ҳақида маърузалар тингладилар.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Ногирон ўғил-қизларни тарбиялаш, ўқитиш ҳамда уларни касбга тайёрлаш мақсадида Бухоро шаҳридаги «Мадад» маркази «Ёш оила мактаби»ни ташкил этишга киришди.***

### «Мадад» — мададкор

Бу марказнинг «Алоҳида эҳтиёжли болаларни қўллаб-қувватлаймиз» дея номланган лойиҳаси Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси эълон қилган танловда ғолиблар қаторидан ўрин олиб, беш миллион сўмликдан зиёд грантга сазовор бўлгани бунга имкон берди. Лойиҳа доирасида ногирон фарзандли ёш ота-оналарга турли давлат ташкилотлари билан ҳамкорликда ижтимоий-услубий ёрдамлар ҳам кўрсатилади.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Чорвачилик**

***Шу кунларда чорвадорлар қандай юмушлар билан банд? Бизнинг Фориш туманимиз яйловларида 402288 бош қўй-эчки боқилаяпти. Уларнинг асосий қисмини қоракўл қўйлар ташкил этади.***

## Қиш беталафот ўтади

Қоракўл қўйларини, айниқса, совлиқларни қишловдан беталафот олиб чиқишнинг ўзига хос машаққатлари бор. Шу боис 262 та қоракўлчиликка ихтисослашган оилавий пудрат аъзоларининг самарали меҳнат қилишлари учун тоғу даштлардаги чўпон уйлари, қўтон-қуралари пухта таъмирланди, чорвадорларга узлуксиз электр энергияси, ўтин ва кўмир етказиб берилиб, чорва учун етарли даражада ем-хашак жамғарилди.

Бироқ қоракўл қўйлари яйлов билан тирик. Шуни ҳисобга олиб, биз оилавий пудратимизда 510 бош совлиқни кеч кузгача қўшни туманларнинг ғалла, пахта, полиз маҳсулотларидан бўшаган майдонларида боқдик. Ҳозирги кунда эса уларни яйловларга олиб чиқаяпмиз. Одатда, қорли-қировли кунларда Форишда тез-тез кучли шамол бўлиб туради. Оқибатда электр таъминоти узилади. Қудуқлардан сув чиқариб бўлмайди. Шунингдек, касалланган қўйларни даволаш учун ширкат марказига етказишда айрим қийинчиликлар туғилади. Бундай пайтларда туман ҳокимлиги қошидаги махсус гуруҳ аъзолари бизга камарбаста бўлмоқдалар. Биз қишловни соз, беталафот ўтказиш йўлида бор куч-ғайратимизни сафарбар этаверамиз.

**Рашид ҚУРБОНОВ,**
**Фориш туманидаги «Боғдон» ширкат хўжалиги оилавий пудрати бошлиғи, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби.**

# БЕБАҲО БОЙЛИК ҚАДРИ

***Ишга келаётиб, икки кишининг суҳбати ногоҳон эътиборимизни тортди.***

***— Бугунги кундан, ҳаётингиздан мамнунмисиз? — деб сўради улардан бири.***

***— Ҳа, албатта! — жавоб берди улардан ёши улуғроғи. — Шукрки, тинч замонда яшаяпмиз. Истаган нарсамиз бор, хоҳлаган маҳсулотимизни — топса бўлади, тақчиллик йўқ. Лекин бугунги даврда ҳаммасидан ҳам муҳими, биз хотиржам яшаяпмиз. Хотиржамликда эса, биласиз, ҳикмат кўп...***

Бу сўзларни бежиз келтирмадик. Гап шундаки, орамизда тушунган кишилар кўп. Шу билан бирга ношуд одамлар ҳам учрайди. Улар оддий муаммоларни гапириб, пашшадан фил, ҳаводан ҳолва ясашга уринишади. Бундайлар уйидаги водопроводдан оқаётган сувни ичишади-ю, қайсидир мамлакатда бир қултум сувга зор бўлиб нобуд бўлаётган болаларни хаёлларига келтиришмайди. Улар ўз уйларида ўтирадилару баъзи мамлакатларда талотўплар боис, ёшу қари хор бўлаётганини, инсон умри ва қадри бир пул бўлаётганлигини ўйлашмайди. Чунки бундайлар ҳаёт мазмунини фақат еб-ичишда, фароғатда яшашда, деб билишади. Ҳолбуки, ёши улуғ кишиларнинг айтишларича, бугунгидек ҳаёт халқимиз тарихида кузатилмаган экан.

Энг муҳими, сизу биз билан бирга ён-атрофимизда рўй бераётган бунёдкорликлар, янгиланиш ва ўзгаришлар туфайли кўнглида мамнуният жўш уриб турган, халқимиз шодлигини ўз қувончи деб биладиган турли миллат вакиллари яшаб келмоқда. Уларнинг сўзларига қулоқ тутганда эса юртимизнинг беназир эканлигидан янада фахрланиб кетасан, киши.

— Ўзбекистонда яшаётганимизга йигирма беш йилдан ошди, — дейди Элеонора Полвонова. — Тақдир тақозоси билан Фарғонанинг Бағдод туманилик йигитга турмушга чиққанман. 6 нафар фарзандим шу ерда туғилиб, вояга етди. Ўқитувчилик қиламан. Асли миллатим молдаван. Гапнинг очиғи, мен бир пайтлар Ўзбекистон деган юрт, ўзбек миллати ҳақида гап кетса ҳеч нарса билмасдим. Энди эса шундай азиз ўлкада, бағрикенг одамлари, саховатли замини бор юртда яшаётганимдан фахрланаман. Фақат фахрланаман, десам камлик қилади. Қариндош-уруғларим билан телефон орқали тез-тез гаплашиб, уларнинг гап-сўзларидан, муносабатларидан англайманки, Ўзбекистон, чиндан ҳам, беқиёс юрт. Осмони мусаффо, тараққиёт йўли мустаҳкам бу заминда ҳар куни, ҳар нафасда шукрона айтиб умргузаронлик қилиш керак, деб ўйлайман.

Ҳозир фарзандларимнинг барчаси ўқимишли, уйли-жойли. Рўзғорида ками йўқ. Ишлаб чиқариш соҳасида фаолият кўрсатаётган ўғилларимга қараб туриб, ҳавас қиламан. Чунки мустақиллик бошқалар қатори менинг фарзандларимга ҳам кенг

**Ифтихор**

имкониятлар эшигини очди. Ўйлаб юрган эзгу ниятларини амалга оширишга туртки берди. Ана шу имтиёзлардан фойдаланган ҳолда катта ўғлим тадбиркорлик билан шуғулланаяпти. Укалари ҳам унинг ортидан эргашаяпти.

Демак, бахтим тўкис! Омаду бахтни эса Ўзбекистондан топганимдан беҳад мамнунман!..

*Кондо Юкихито. У машҳур Нагоя университетининг Тошкент давлат юридик институти қошидаги япон тили ва ҳуқуқи тадқиқоти марказида уч йилдан буён ўқитувчи бўлиб ишлайди. К. Юкихитонинг айтишича, ҳар қандай миллатнинг ўтмиши ва келажаги ҳақида тасаввурга эга бўлиш учун ўша юртнинг она тилига қизиқиб кўрмоқликнинг ўзи кифоя экан.*

— Мен тил ва адабиётшуносликка қизиқаман, — дейди у. — Ўзбекистонга келганимда номлари беҳад улуғ даҳоларнинг ижодини ўргана бошладим. Навоий ва Бобур, Машраб ва Ҳувайдо, Нодира ва Увайсий, Фурқат ва Муқимий шеъриятидаги нафислик, фалсафа, мантиқий уйғунлик ҳар қандай кишини асир айлайди. Айниқса, Навоий шеъриятидаги етуклик, ҳар бир мисранинг ўзига хос маъно англатишини кўриб, очиғи, лол қолдим. Биласизми, биз японлар ҳамиша дунё кўришга, йўлимизда учраган ҳар бир янгиликдан ўз фойдамиз учун сабоқ олишга интиламиз. Буюк Навоий мен учун тенгсиз кашфиёт бўлди. Унинг шеърияти, ижодидан бутун дунё баҳраманд бўлса арзийди.

Буюк ўтмишингиз билан боғлиқ даҳоларга тан бериш билан бирга бугуннинг одамлари, айниқса, ёшларингизга қизиқишим ортди. Улардаги билимга чанқоқлик, тил ўрганишга бўлган қобилиятини кўриб, қилган меҳнатингга ачинмайсан, киши. Ҳозирда бизнинг марказда таҳсил олаётган кўплаб талабалар Японияда ўқишни давом эттиришмоқда. Улар ниҳоятда мураккаб синовлардан муваффақиятли ўтиб, мен каби бир неча япониялик мутахассисларнинг эътирофига сазовор бўлишди. Яна ўзбекистонлик ёшларнинг бир эмас, бир нечта тилларда эркин мулоқотга киришишидан ҳайратланаман. Аслида, бунинг ҳеч қандай ажабланарли жойи йўқ. Навоийдек буюк зотнинг авлодлари бундан кам бўлмайдиям-да!

К. Юкихито билан суҳбатлашиб, энди қайтаётгандик, хаял ўтмай таржимон йигит ортимиздан етиб келди. Қайтиб бордик. Меҳмон тилмочга нималарнидир уқтира бошлади. Англадикки, у энг муҳим нарсани эслаб, шуни бизга етказишни таржимонга билдирмоқда. Япон тилида бемалол гаплашадиган йигитча эса кулиб, унинг дил изҳорини баён этди:

*"Мен юртингизда ўз ҳаётимда асқотадиган жуда кўп таассуротларга эга бўлдим. Халқингизнинг самимиятидан тортиб, меҳмондўстлигию бир-бирига бўлган меҳр-оқибатидан ибрат олиб, кўп жиҳатларнинг ўз феъл-атворимга кўчганини ҳис қиляпман. Буни мен юрт кезиб топган энг бебаҳо бойлигим деб биламан!"*

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ.**

**БИР РАҚАМ ШАРҲИ**

***Ўтган йили республикамизда 9 минг тонна балиқ маҳсулоти етиштирилди. Бу аввалги йилдагига нисбатан***

**1200 тонна кўпдир.**

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 августдаги «Балиқчилик тармоғида монополиядан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори талаблари изчил амалга оширилаётгани, хусусан, балиқчиликка ихтисослашган салкам 200 та фермер хўжалиги ташкил этилгани, кўплаб кўл ва сув ҳавзалари тадбиркорларга узоқ муддатга ижарага берилгани ана шу натижага эришиш имконини берди.

# ЁШЛАР ЙИЛИГА ОИД ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

***Пойтахтимизда Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир» маърузасида белгиланган вазифаларнинг амалга оширилишида оммавий ахборот воситаларининг ўрнига бағишланган конференция бўлиб ўтди.***

Тадбир Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, мамлакатимизнинг етакчи оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари ва ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш. Ғуломов, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси раиси А. Орипов, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори ўринбосари А. Хўжаев, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Ж. Ҳакимов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси ўринбосари И. Саифназаров ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда эркин демократик давлат, инсон манфаати ва ҳуқуқлари устувор бўлган кучли фуқаролик жамияти барпо этишдек масъулиятли жараёнда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти катта эканини таъкидладилар.

Юртимизда оммавий ахборот воситаларини изчил ривожлантириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, халқимизни тезкор ва холис ахборот билан таъминлаш, журналист кадрларнинг эркин, самарали ижод қилиши учун барча имконият ва шароитларни яратиш, ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш давлатимизнинг доимий эътиборида.

Конференцияда 2008 йил — Ёшлар йилида кучли ижтимоий сиёсатнинг узвий қисми бўлган ёшлар манфаатларини таъминлаш, уларнинг билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши билан боғлиқ жараёнларни кенг ва атрофлича ёритиш, журналистларнинг масъулиятини янада ошириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан 2007 йилда ўтказилган кўрик-танловлар, ижодий беллашувлар ғолибларига дипломлар топширилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

***Ўтган йил Ватанимиз, халқимиз учун барча — сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳаларда кенг кўламли тубислоҳотларни янада чуқурлаштиришда сифат жиҳатидан янги, юксак довон бўлди. 2007 йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажми 9,5 фоизга ортганлиги тараққиётимиз суръатлари, бунёдкор халқимиз салоҳиятининг амалий ифодасидир.***

# КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР ТАРҒИБОТИ

## ОАВ олдида турган муҳим вазифадир

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ «Ислоҳотлар ислоҳотлар учун эмас, балки, биринчи навбатда, инсон манфаатлари учун», деган тамойилга изчил ва қатъий амал қилиб келинмоқда. Ижтимоий соҳага йўналтирилаётган маблағлар давлатимиз бюджетининг умумий харажатларига нисбатан 2006 йилда 51,9 фоизни ташкил этган бўлса, ўтган йил бу кўрсаткич 53,8 фоизга етгани, иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар миқдори 40 фоизга ортгани буни яққол тасдиқлаб турибди.

2007 йил, айниқса, Ўзбекистонда эркин демократик давлат, инсон манфаатлари ва ҳуқуқлари устувор бўлган фуқаролик жамияти барпо этишда олға қараб улкан қадам қўйилганлиги билан ажралиб туради. Ҳаммамизга яхши маълумки, парламентимиз бевосита Президентимиз ташаббуси билан «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонунни қабул қилди. Ўтган йил охирида мамлакатимизда ўтказилган Президент сайловида халқимиз муайян ижтимоий гуруҳлари манфаат ва интилишларини ифода этаётган сиёсий партиялар ўзларига берилган қонуний ҳуқуқлардан фойдаланган ҳолда давлат раҳбари лавозимига ўз вакилларини номзод қилиб кўрсатдилар.

Партия аъзоси бўлмаган аҳоли номидан уларнинг орзу-умидлари ва хоҳиш-иродаларини ифода этиш мақсадида сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи томонидан Президентликка номзод кўрсатилганлиги эса аксарият халқаро кузатувчилар, сиёсатчилар, давлат ва жамоат намояндалари томонидан якдиллик билан «Ҳақиқий демократия кўриниши», «Ибрат олишга арзигулик тажриба», деб эътироф этилди.

Мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги бу энг муҳим воқеа – Президент сайлови жараёнини оммавий ахборот воситалари ходимлари мустақил фикрга эга, сиёсий фаол, юксак ҳуқуқий маданият соҳиби бўлган фуқаро сифатида, қолаверса, журналистик нуқтаи назардан кузатиш имконига эга бўлишди. Президентликка номзодларнинг сайловчиларга ўз дастурларини телевидение ва радио, матбуот орқали демократик тамойилларга, қонунчилигимизга тўлиқ риоя этилган ҳолда тенг ҳуқуқлилик асосида эркин ошкор этиш, сайловчилар билан бевосита очиқ мулоқотларда бўлиш учун барча имкониятлар ва шарт-шароитлар яратиб берилгани бугунги кунда ҳаммамизга яхши маълум.

Бу ҳақиқатни бугун яна бир бора тилга олаётганлигимизнинг сабаби Президент сайловида ёрқин намоён бўлган халқимизнинг жипслиги, унинг сиёсий ва ҳуқуқий билими, маданияти беқиёс ўсганлиги, юрти, ўзи ва оиласи келажагига ишонч билан қарашини таъсирчан ёритиб бориш оммавий ахборот воситалари олдида турган энг муҳим вазифалардан бири эканлигини эслатиб ўтишдир. Табиийки, сайлов кампанияси давомида ҳам электрон, ҳам босма ахборот воситаларида бу ҳақда кўпчилик эътиборини тортган жуда қизиқарли кўрсатув ва эшиттиришлар берилди, туркум мақолалар эълон қилинди. Аммо ушбу муҳим ва долзарб мавзу туб моҳиятига биноан фақат сайлов даври билан чегараланиб қолмаслиги керак.

Юртбошимизнинг Конституциямиз қабул қилинган куннинг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида Истиқлол йилларида юртимизда амалга оширилган том маънодаги тарихий ишлар, миллий давлатчилик, эркин ва обод жамият қуриш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, Ватанимизнинг салоҳияти ва қудрати, халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш замирида Асосий Қонунимиз тамойиллари ётганлигини, барча ютуқларимиз у билан боғлиқ эканлигини алоҳида уқтирдилар. **«Шунинг учун ҳам,** — деб кўрсатдилар Президентимиз, — **давр ўтиши билан биз Конституциямизнинг аҳамияти ва моҳиятини, ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини, қадр-қимматини янада чуқурроқ англаб бормоқдамиз ва унга бўлган ҳурмат-эътиборимиз тобора ортмоқда, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз».**

Бу эса халқимизда Конституциямизга ҳурмат-эътибор, қонунларга риоя ва итоат этиш ҳиссини янада кучайтириш, бутун ҳаётимизни улар асосида қуришга ўргатиш оммавий ахборот воситалари ходимлари тарғибот ва ташвиқот ишларининг ядросини ташкил этиши керак, деганидир. Қатор нашрларда, телевидение ва радиода ушбу мавзуни ёритиш бўйича диққатга сазовор мақолалар, кўрсатув ва эшиттиришлар бериб борилаяпти. Бироқ бу саъй-ҳаракатларни бугунги кун талабларига тўла-тўкис жавоб беради, деб бўлмайди.

Афтидан, кўп ҳолларда кузатилаётган мавсумийлик фаолиятимиз самарадорлигини оширишга халақит бераяпти. Масалан, оммавий ахборот воситаларида Асосий Қонунимиз, унинг тамойиллари, ҳаётимиздаги ўрни, аҳамиятини тарғиб этишга Конституция куни арафасидагина эътибор берилади.

Ёки сиёсий партиялар тўғрисидаги Конституциявий қонун тўғрисида ҳам унинг лойиҳаси муҳокамаси даврида кўп

▼ **Депутат минбари**

ва маъқул фикрлар билдирилди. Лекин, ҳеч муболағасиз, давлат ва жамият ҳаётида устувор аҳамиятга эга бўлган мазкур ҳужжатнинг 2008 йил 1 январидан эътиборан қонуний кучга кирганлиги, бунинг аҳамияти, айниқса, Президент сайлови давридаги ҳуқуқий меъёрларнинг юксак демократик талаблар нуқтаи назаридан жаҳон андозаларига тўла-тўкис жавоб беришида намоён бўлганлиги хусусидаги чуқур таҳлилли кўрсатув ва эшиттиришлар, мақолалар оммавий ахборот воситалари орқали очиб берилганида мақсадга мувофиқ бўларди.

Худди шунингдек, парламентимиз томонидан қабул қилиниб, моҳият жиҳатидан Болалар Конституцияси, деб эътироф этилаётган, янги йилдан кучга кирган «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги Қонун ҳам, фикримизча, оммавий ахборот воситалари ходимлари учун энг долзарб мавзулардан биридир.

Ўтган «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг еттита устувор йўналиши юзлаб муҳим тадбирларни қамраб олган эди. Юртбошимиз бу кўп қиррали давлат дастурининг ижроси ҳақида жамоатчилигимизни хабардор қилиш бўйича оммавий ахборот воситалари олдида турган вазифаларни ҳам кўрсатиб бердилар. «**Энг муҳими**, — деб таъкидлади Ислом Каримов, — **бу дастурда белгиланган режа ва тадбирларни бажаришда юксак фаоллик ва жонкуярлик кўрсатган, ўзининг катта ҳиссасини қўшган ташкилотлар ва инсонлар ҳақида матбуотимиз, радио-телевидение орқали жамоатчилигимизга атрофлича маълумотлар етказилади ва уларнинг меҳнатига, савобли ишларига ҳаққоний баҳо берилади».**

Ҳақиқатан ҳам, оммавий ахборот воситалари олдида «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилган мислсиз ишлар кўламини ёритиш соҳасида жуда масъулиятли вазифалар белгиланган эди.

Инсон ҳаёти ва унинг манфаатларини ҳимоялашга қаратилган кучли ижтимоий сиёсатимиз қонуний асосларини мустаҳкамлаш мақсадида парламентимиз томонидан 26 та қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

2007 йилда юртимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида барча манбалар ҳисобидан жами 483 миллиард 600 миллион сўм маблағ сарфланди. Биргина 15 та махсус мактаб-интернат ва «Меҳрибонлик уйлари»да 4 миллиард 800 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Бу муассасаларга ўзимизнинг Самарқандда ишлаб чиқарилган 114 та замонавий автобус берилди, тўртта оилавий болалар уйи «Дамас» микроавтобуслари билан таъминланди.

50 мингдан зиёд оилага бепул қорамол берилгани, 10 минг 580 оилага қорамол сотиб олиш учун 8,5 миллиард сўмга яқин имтиёзли кредит ажратилганлиги, илк бор мактаб остонасига қадам қўйган 485 минг нафар фарзандимизга 5 миллиард 157 миллион сўмлик ўқув анжомлари бепул тақдим этилганлиги, кам таъминлаган оилалардаги 715 минг ўқувчи 17 миллиард 816 миллион сўмлик қишки кийим-бош билан бепул таъминланганлиги, ногиронлар, боқувчисизлар, пенсионерларга кўрсатилаётган меҳр-саховатлар «Ижтимоий ҳимоя йили»да амалга оширилган беқиёс ишларнинг бир қисми, холос. Бу ҳақда ўз тингловчилари ва ўқувчиларига аниқ мисоллар билан жонли ва мароқли ҳикоя қилиб бериш ҳам, фикримизча, оммавий ахборот воситалари ходимларининг бурчидир.

Шу билан бирга, «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурида ўз ифодасини топган тадбирларни амалга оширишда қатор хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотларнинг ҳам муносиб улушлари бор. Улар қаторида Жанубий Кореянинг Саломатлик ва ривожланиш жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё Тараққиёт банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси – ЮНИСЕФ ва бошқалар бор. Умид қиламизки, оммавий ахборот воситалари уларни ҳам эътиборларидан четда қолдирмайдилар.

«Ижтимоий ҳимоя йили» ниҳоясига етди. Аммо мамлакатимизда аҳоли ҳаёти ва манфаатларини муҳофаза қилишга қаратилган кенг кўламли ишлар изчил давом этмоқда. Оммавий ахборот воситалари айнан ушбу йўналишга янада кўпроқ урғу беришларини жуда муҳим, деб ҳисоблаймиз. Негаки, давлатимиз бюджетида ижтимоий соҳага йўналтирилаётган маблағларнинг ҳажми муттасил ортиб бораётир. Яъни, ўтган йили бу улуш бюджетдаги умумий харажатларнинг 53,8 фоизини ташкил этган бўлса, 2008 йилда мазкур кўрсаткич 54,6 фоизга етади.

Зеро, Президентимиз ташаббуси билан 2008 йилнинг мамлакатимизда «Ёшлар йили» деб эълон қилиниши юртимизда изчил амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг мантиқий давоми бўлди. Зотан, Ўзбекистонда 18 ёшгача бўлганлар умумий аҳолининг тахминан 40 фоизини, 30 ёшгачалар эса 64 фоизини ташкил этади. **«Ўз-ўзидан аёнки**, — деб кўрсатдилар Президентимиз, — **аксарият қисмини ташкил этадиган ёшларимизнинг ҳали-бери ечилмаган муаммоларига эътиборимизни жалб этиш, уларни ҳаётимизда, ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи кучга айлантириш масаласи жамоатчилигимизнинг диққат марказида туриши шарт».**

«Ёшлар йили» муносабати билан белгиланган режаларда, энг аввало, ёш авлодимизнинг манфаатларини таъминлашни кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий негизни янада мустаҳкамлаш, амалдаги қонун ҳужжатларини бугунги кун нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш кўзда тутилмоқда.

Ҳар бир ёшнинг ўзига хос қобилияти ва истеъдодини ўз вақтида аниқлаш, тарбиялаш ва рўёбга чиқариш, йигит-қизларимиз маданий савиясини юксалтириш, маънавий оламини бойитиш, миллий истиқлол руҳида тарбиялашни янада яхшилаш ҳам «Ёшлар йили» Давлат дастурининг устувор йўналишлари бўлади.

Бу жуда масъулиятли ва кенг кўламли вазифаларни бажаришга нафақат давлат муассасалари, шунингдек, бутун жамоатчиликни жалб этиш муҳимдир. Айниқса, мамлакатимизда шаклланиб келаётган фуқаролик жамиятига хос «Маҳалла», «Нуроний», «Соғлом авлод учун», «Экосан», «Меҳр нури», «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми», «Сен ёлғиз эмассан» каби нодавлат ташкилотларининг самарали фаолиятлари уларнинг умуммиллий масалаларни ҳам ҳал этишдаги катта имкониятларини кўрсатиб турибди.

Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳам, ҳамиша бўлганидек, «Ёшлар йили» мақсад ва вазифаларининг фаол тарғиботчилари бўлишларига ишончимиз комил.

**Исмоил САИФНАЗАРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.**

***Аҳмаджон ака бугун мамнун. Кенжа ўғли Аҳроржонни уйлантириш тараддудида. Бир уй меҳмон. Уй тўрида маҳалла оқсоқоли Мирвали ака, амакилари Эргаш бобо, Ҳайдар бобо, акаси Анваржон, ўнг тарафда қўшнилари Самижон, Ғуломжон, Арслонбой, Хуршид ака, сўл тарафда укалари Акромжон, Асқарали, Аминжонлар ўтирибди. Тошкентда ишлайдиган, яқинда фан номзодлиги диссертациясини ҳимоя қилган укаси Неъматжон ҳам келган.***

# ВАТАН ОБОД – ДИЛ ОБОД

Маҳалла оқсоқоли ундан:

— Аҳмаджон, катта ўғлинг янги уйга кўчиб чиқдими? — деб сўраб қолди.

— Ҳа! Худога шукур, кўчиб ўтди. Хуллас, ҳар бир ўғлим алоҳида уй-жойли бўлди.

— Яхши қилибсан. Ёшлар алоҳида яшагани маъқул. Яхши бўлди-да, давлатимизнинг ёш оилаларга қарашаётгани!

— Секинроқ айтасизми, Мирвали ака? — деди уй соҳиби.

— Яқинда Президентимизнинг мустақиллигимизнинг 16 йиллигига бағишланган маърузаларини ўқидим, — деди Собир ака. — Иқтисодчи бўлганим учун кўрсаткичларни таққослаб чиқдим. 1991 йилда республикамиз бўйича бор-йўғи 900 минг тонна буғдой етиштирилган бўлса, 2007 йилга келиб 6 миллион 250 минг тонна ризқи-рўз етиштирилибди.

— Нафақат ғалла мустақиллиги, ёнилғи-энергетикани айтмайсизми?! — деди Самижон ака.

— Нафақага чиқишимдан олдин мен Фарғона нефть заводида ишлар эдим. Юртбошимизнинг ўзлари келиб заводнинг аҳволи билан танишдилар. Тез орада замонавий жиҳозлар келтирилди. Янги технология ишлаб чиқаришга татбиқ этилди. Кўп ўтмай самарадорлик бир неча бор ошди. Нафақат бизнинг заводда, балки Бухоро, Кўкдумалоқ заводларида ҳам жиддий ижобий ўзгаришлар рўй берди. Тажриба алмашишга борганимда кўргандим.

▼ **Гурунг**

— Ҳа, бу ишларнинг тагида кўп гап бор. Ёнилғиси бор, дондунли мамлакат бошқа давлатларга иқтисодий қарам бўлмайди, тўғрими? — дея Акромжон бошқаларга юзланди.

— Ажойиб ўзгаришлар бўляпти, — деди Асқарали ҳам жўшиб. — Телевизорда кўрдим. Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темирйўл магистрали ишга туширилибди. Бир неча йил аввал Навоий-Нукус темир йўли қурилган эди. Шунингдек, Қамчиқ довонига туннел қурилиб, йўллар анча кенгайтирилди. Бу йўлларнинг мамлакат иқтисодини таъминлашда аҳамияти катта. Вилоятларни бир-бирига узатилган қўллардек боғлайди. Мамлакат иқтисодиётининг узвийлиги ва чамбарчаслигини таъминлайди.

Шунда суҳбатдошларининг сўзларини мароқ билан тинглаб ўтирган қария Анвар ака сўз қотди:

— Ўтган ой туман ижтимоий таъминот бўлимига чақиришди. Меҳнат фахрийларига Тошкентдаги санаторийга бепул йўлланма бераётган экан. Мен ҳам олдим. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, Тошкентга бориб пойтахтни танимадим. Амалга оширилган ободончиликни кўриб, ҳайратга тушдим. Бу замонавий йўллар.., бу осмонўпар бинолар.., бу кўчалар.., бу бозорлар.., гапирсанг, санаб адоғига етолмайсан.

Анвар аканинг содда ва самимий сўзларидан табассум қилиб, Аминжон деди:

— Ўзимизнинг қишлоғимизни ҳам унутманг, Анвар ака! Ахир, қанчадан-қанча ободончилик ишлари бўлаяпти. Янги коллеж қурилди. Эски мактаб реконструкциядан чиқарилиб, замонавий жиҳозланди. Шифохона-чи? Бутунлай бошқача тусга кирди. Ичидаги янги аппаратларни кўрсанг, ҳайрон қоласан. Болалар спорт мажмуасининг қурилиши хўп савобли иш бўлди-да. Спорт зали, чўмилиш ҳавзалари, теннис кортлари... Тунов куни эшитдим. Тепа маҳалладаги Ғани аканинг ўғли Германияда ўтказилган бокс бўйича мусобақада ғолиб чиқиб, жаҳон чемпиони бўлибди. 15-16 йил олдин ўзбек боласи жаҳон чемпиони бўлибди деса, ҳеч ким ишонмасди.

— Бунинг барчаси давлатимизнинг таълим-тарбия, спортга бераётган эътиборидан далолат, — деди олим йигит Неъматжон. — Бу йил қишлоғимиздан 41 нафар битирувчилар тест синовларини муваффақиятли топшириб, олий ўқув юртига ўқишга кирибди. Бундан фахрланмасдан бўладими?

Иқтисодиётимизга 100 миллиард доллардан кўпроқ инвестиция, шунингдек, 25 миллиард доллардан кўпроқ хорижий сармоялар жалб этилибди, — деди у сўзини давом эттириб. — Кичик ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимиз иқтисодиётининг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси 43 фоизни ташкил этяпти, кейинги йиллардаги ялпи ички маҳсулотимиз эса 7-8 фоизга ўсибди. Мана, бундай чиройли тўйлар қиляпмиз, янги-янги уйлар қуряпмиз. Ҳар оилада енгил автомобиль пайдо бўляпти. Келин-куёвлар «Лимузин»ларда юришибди...

— Ҳақ сўзларни гапирдинг, Неъматжон. Нима бўлса ҳам олимсан-да, ука, — дея укасининг маъноли сўзларидан фахрланди Аҳмад ака.

Тўйхонада ўтирган барча кишиларнинг мароқли суҳбатдан баҳри-дили очилди. Уларнинг ўз ҳаётидан мамнунлиги сезилиб турарди. Мамлакат ҳаётида рўй бераётган янги ва яхши ўзгаришлар хусусидаги суҳбатдан сўнг тўйнинг маслаҳати бўлди. Оддийгина бир қишлоқ хонадонида тўй-томоша оҳанглари янгради. Қут-барака кирган Ватан бағрида соф туйғулар билан йўғирилган янги муҳаббат, янги оила, жамиятнинг нодир бир бўлаги пайдо бўлди.

Аҳмад ака юлдуз тўла мусаффо осмонга боқиб, шукроналар айтди. Тинч ва осуда ҳаётидан қувонди. Меҳмонларни кузатаркан, унинг кўнглини: «Илоҳим, ҳаётимиз бундан-да файзли-обод бўлаверсин» деган эзгу ўйлар чулғаб олганди.

**Баҳодиржон МИРЗАОЛИМОВ.**

***Пойтахтимиздаги "Дедеман" меҳмонхонасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига бағишланган бизнес-форум бўлиб ўтди.***

# Долзарб масала муҳокамаси

У республика Савдо-саноат палатаси, БМТнинг Ривожлантириш дастури — "Ўзбекистонда бизнес-форум" лойиҳаси асосида бир қатор вазирлик ҳамда идоралар кўмагида ташкил этилди.

Анжуманда сўзга чиққанлар Ўзбекистонда илм-фан, таълим, касб-ҳунар соҳасини ривожлантириш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири эканлиги ва бу борада олиб борилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бераётганлигини таъкидладилар. Шу билан бирга, мамлакат иқтисодиёти ривожида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши йилдан-йилга ортиб бораётгани, бунда кадрларнинг малакаси муҳим аҳамият касб этаётгани қайд этилди. Хусусан, ҳозирда мамлакатимизда 65 та олий ўқув юрти, кўплаб кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказлари фаолият кўрсатмоқда. Бироқ олий ўқув юртларида ўз битирувчиларини иш билан таъминлаш, йирик корхона ва компаниялар билан бу борада ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида изчиллик етишмаётир.

Бизнес-форумда мутахассислар, халқаро экспертлар ушбу йўналишда ривожланган давлатлар тажрибаси, мамлакатимизда амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

**Саидолим ҲАЙДАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ҚУТ-БАРАКА РАМЗИ

Чорвачилик қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш, шу асосда оилалар даромадини оширибгина қолмай, ички истеъмол бозорини гўшт ва сут маҳсулотлари билан тўлдиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"-ги Қарори ижроси туфайли бу борада муайян ютуқларга эришилмоқда.

— Ушбу Қарор айни кўнглимиздаги ҳужжат бўлди, — дейди Мингбулоқ туманидаги "Ухуд" фермер хўжалиги раҳбари Баҳриддин Мамадалиев. — Чорва — етти хазинанинг бири, қут-барака рамзи. Шу мақсадда Голландиянинг "Ван дер Плуг Интернейшнл BV" компанияси билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, зотдор қорамоллар харид қилдик. Пировардида, чорва насли яхшиланиб, ҳар бир сигирдан ўртача 25 литргача сут соғиб олинмоқда.

Фермер хўжалигининг салкам 50 нафар аъзоси томонидан чорва қишловига пухта ҳозирлик кўрилгани, хусусан, 1200 тонна силос, 200 тонна сенаж, сомон ва беда пичанлари етарли миқдорда ғамлаб қўйилгани мавсумни талафотсиз ўтказишда қўл келмоқда.

**СУРАТДА:** *"Ухуд" фермер хўжалиги раҳбари Баҳриддин Мамадалиев ва ветеринар Талғат Қобилов.*

**Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат.**



***Бу дунёда эзгуликнинг, савобнинг умри узун, дейишади. Ким бўлмайлик, қандай яшамайлик, биздан фақат яхши ном, одамларга қилинган яхшилигу ҳимматимиз қолади. Ўзгаларга мадад бўлиш, жилла қурса, икки оғиз ширин сўз билан далда бермоқлик ҳам савоб, албатта. Модомики, одамлар газетага ишонч билдириб мактуб битишяптими, уларга пешвоз чиқмоқлик бизнинг бурчимиз.***

# КЎНГИЛ КЎЗГУСИГА ХИЁНАТ ҚИЛМАНГ

Таҳририятга ўтган 2007 йил – Ижтимоий ҳимоя йилида келган хатларни сарҳисоб қиларканмиз, хаёлан кимларга мадад бўлолдигу кимга нафимиз текканини, қайси хонадоннинг севинчига шерик бўлиб, қайси оиланинг мушкули осон бўлишига кўмаклаша олганимиз ҳақида ўйладик. Зеро, таҳририятдаги ҳар бир бўлим ҳар қачонгидек ўз мухлисларига эга бўлди, уларга ҳамфикр, ҳамрозлик қилди.

***Ўтган йили таҳририятимизга 2350 та хат-хабар, арзнома келди. Шулардан 1100 таси тегишли ташкилотларга ўрганиш учун юборилди. Жумладан, 900 дан ортиқ шикоятларга расмий жавоблар олинди. 300 дан ортиқ хат-хабар ва мурожаатлар эса газета саҳифаларида эълон қилинди.***

Мактубларни кўздан кечирар эканмиз, уларда Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан юртимизда амалга оширилган кенг кўламли ишлар, хайрли тадбирлар ўз аксини топганини кўриш мумкин. Хусусан, Хива шаҳридаги 20-Меҳрибонлик уйи директори, Ўзбекистон Қаҳрамони В. Пак таҳририятга хат йўллаб, сахийлик кўрсатаётган ҳомий ташкилотлар ва савобталаб инсонларнинг ғамхўрлигидан миннатдор эканини билдирди. Тошкентлик Дилмурод Муҳаммедов эса шундай ёзганди: "Мени дард тўшакка михлаб қўйса-да, яхши инсонлар меҳрини дариғ тутишмади. "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси соғлиғимни тиклашимда беминнат ёрдам кўрсатиб, руҳий мадад бўлди. Энг сўнгги русумли компьютер билан сийлашганида эса, ногирон бўлсам-да, ишлашим, жамиятга фойдам тегиши мумкинлигини ҳис этдим. Эндиликда "Камолот" Ёшлар ижтимоий ҳаракати кўмагида техника мутахассислиги бўйича таҳсил оляпман. Бу мурувватдан кўнглим тоғдек кўтарилди".

Наманганлик Х. Жўраева анчадан буён ноҳақ айбланиб, иши ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан текширилаётганди. Ҳақиқат қарор топиб, муаммолари ҳал бўлибди. Опа шундан мамнун бўлиб, хушкайфиятда таҳририятга кириб келди. Қувончининг чеки йўқ эди унинг. Шу каби тошкентлик Ж. Маюсупов, Д. Ҳайдарова, М. Абдусатторова ва қашқадарёлик Р. Менгировлар таҳририят билан йил давомида кўп бора мулоқотда бўлиб, газета уларнинг муаммолари ҳал бўлишида катта кўмак берганини миннатдор бўлиб тан олишгани бизга хуш келди, албатта. Самарқанддан мактуб йўллаган А. Мансуров эса тадбиркорлик фаолияти юритиш учун ер ололмаётганини ёзиб, ёрдам сўраган эди. Орадан кўп ўтмай А. Мансуров таҳририятга қўнғироқ қилиб, газета аралашувидан кейин муаммолари ўз ечимини топганини билдирди. Демак, яна бир оиланинг мушкули осон, оғири енгил бўлди, ўксик кўнгли таскин топди. Газета унга кўмак берди.

▼ **Сарҳисоб**

Айни пайтда, шикоят хатларни ўрганган мутасадди ташкилотлардан келган расмий жавоблар билан танишганда, баъзан айрим аризалардаги важлар тасдиқланмагани, кўрсатилган манзилда муаллиф истиқомат қилмаслиги ёхуд "имзо чеккан" одам бу масаладан мутлақо бехабарлиги ҳақидаги маълумотларга дуч келдик. Наҳотки вақтини сарфлаб, бегона манзилдан асоссиз хат битган, уни почта қутисига ташлаган одам таҳририят ва турли ташкилотларнинг ҳар бир мактуб учун сарф қиладиган харажати, ходимларнинг қимматли вақтини ҳисобга олмаса? Наҳот имзосиз нома ёзиб роҳатланиш мумкин бўлса?! Сўзимиз қуруқ бўлмаслиги учун аниқ мисолларга тўхталсак.

Бухоро вилояти Ғиждувон туманидан бир гуруҳ ишчи-хизматчилар ойлик маошларидан коммунал тўловлар учун кўп ҳақ олиб қолинаётганидан норози бўлиб таҳририятга хат йўллашганди. Мазкур шикоят юзасидан вилоят ҳокими ўринбосари Н. Ҳамдамов имзоси билан келган расмий жавобда муаллифларнинг манзили аниқ эмаслиги, хат аноним экани баён этилган.

Косон туманидан юборилган Х. Аллаев ва бошқаларнинг аризаси вилоят ҳокимлиги мутасаддилари томонидан кўриб чиқилди. Масъуллар аризада имзоси қайд этилган фуқаролар билан юзма-юз суҳбатлашганда, улар бу хатдан мутлақо бехабар эканликлари тўғрисида тушунтириш хати ёзиб беришган. Боз устига, шикоятда келтирилган далиллар ҳам ўз тасдиғини топмаган.

Ўзгаларнинг номига яшириниб, турли ташкилотларга ариза ёзаётган номаълум кишилар «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасида «Фуқаронинг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёки у ҳақда сохта маълумотлар кўрсатилган, шунингдек имзо қўйилмаган ёзма мурожаатлар «аноним» деб ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди», дея алоҳида таъкидланганини билиб қўйишса, ёмон бўлмасди.

Шу билан бирга, адолат истаб мактуб йўллаган фуқаролардан таҳририят ўз ёрдамини ҳеч қачон аямайди. Амударё туманида истиқомат қилувчи А. Юлдошев шу тумандаги 46-мактаб ҳақида ўз мулоҳазаларини баён этиб, бу ердаги ўзбошимчаликлар, ўқитувчилар маошидан сабабсиз ушлаб қолинаётгани ҳақида таҳририятимизга хат йўллаганди. Мазкур масала Халқ таълими вазирлиги назоратида ўрганилганда, мактаб директорининг хизмат вазифасини суиистеъмол қилгани ўз исботини топгач, раҳбар Ж. Хўжаниязов эгаллаб турган лавозимидан озод қилинган. Қамаши туманидан йўлланган, Б. Жўраев ва бошқалар имзо чеккан аризада эса туман марказий шифохонаси ишчи ходимлари иш ҳақи, касаллик варақаси ва сафар харажатлари учун ажратилган улушни ололмаётганликларини ёзишган. Қамаши тумани прокурори Ш. Жумақулов имзоси билан таҳририятга келган жавобда таъкидланишича, текширувда шифохонанинг мансабдор шахслари ўз хизмат вазифаларидан фойдаланиб, касса чиқим ордерларини қалбакилаштиргани, ишчиларнинг 62 миллион 194 минг 114 сўмлик иш ҳақи маблағлари ўзлаштирилгани маълум бўлган. Оқибатда, бош врач ва хазиначи жазога тортилган.

Жойлардаги турли муаммолар, келишмовчиликларга текширув жараёнида холис ёндашилгани мутасаддиларнинг ўз вазифасига масъулият билан қарашидан далолат. Бироқ айрим раҳбарларнинг лоқайдлиги, эътиборсизлиги туфайли жойларда фуқароларнинг аризалари ўрганилмай, ойлаб қолиб кетиш ҳоллари ҳам учрайди. Ёки масала астойдил ўрганилиб, ҳал этилмай, таҳририятга «хўжакўрсин»га жавоблар жўнатилади. Бундан одамлар азият чекадилар, сарсон бўлиб, раҳбарларга нисбатан умидлари йўқолади. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек,

***"Лоқайд раҳбарнинг хатти-ҳаракатлари унинг халқдан узоқлашиб қолишига олиб келади. Энг ёмони шундаки, бундай раҳбар жойларда ишлаётган, ёниб-куйиб меҳнат қилаётган минглаб одамларнинг адолатга, ҳаётга, эртанги кунга бўлган ишончини йўқотиши мумкин".***

Сўзимиз аввалида бежиз эзгулик, меҳр-оқибат хусусида сўз юритмадик. Демоқчи бўлганимиз, мурувват ва меҳр, савобу яхшиликнинг баҳоси фақатгина моддиятга бориб тақалмайди, бировга фалон миқдордаги хайр-эҳсон тортиқ қилиш билангина ўлчанмайди. Кимгадир чин дилдан кўмаклашиш, бир озгина вақт ажратиб, дардига қулоқ тутиш ҳам одамийлик ва жўмардликдан дарак. Шу бебаҳо хислатлар сабаб ҳаётимиз ўзгача мазмун касб этиб бораверади. Меҳр истаб, меҳр топганимизда гўзал орзу-умидлар билан яшашда давом этамиз. Кўнглимизни нурафшон айлайдиган, қалбимизга эзгулик уруғини қадайдиган шу чин бойлигимиздан ҳеч қачон айро яшамайлик. Ўтган Ижтимоий ҳимоя йилида бошлаган эзгу, савоб ишларимиз Ёшлар йилида ҳам узлуксиз давом этиб, одамлар қалбига нур сочиб турсин.

**ТАҲРИРИЯТ.**

